

Имом кафилдир, муаззин омонат эгасидир

09:33 / 23.10.2019 1738

﴿يَبْنَ لِلانَعُ، نَعُ هَلَلِاِي ضَرَّهَ رِي بَأَنَعُ
، نَمَتُومُ نَدُّومُ لَأو، نَمَاضُ مَأْمُ لَأا﴾ : لَأاق
«نَي نَدُّومُ لَلْ رَفْعُاوَ ةَمِّيَ لَأا دِشْرَأُ مَّهَلَلِا
نُ بَأوَ ةَمِّيَ زُخُ نُبَأوُ ي ذِمَّرَتَلَأو دُوادُ وُبَأُ هَأوَر
نَأَبِحَ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Имом кафилдир, муаззин омонат эгасидир. Аллоҳим! Имомларни иршод қил, муаззинларни мағфират қил», дедилар».*

Абу Довуд, Термизий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббонлар ривоят қилишган.

* Имом кафил. Чунки иқтидо қилганларнинг намозининг дурустлиги унинг намозига боғлиқ. Муаззин омонат эгасидир. Чунки у одамларнинг намозлари, рўзалари ва ифторлари учун масъул. Набий соллаллоху алайҳи васаллам имомлар намозни тўлиқ ва гўзал шаклда адо этиб беришлари учун уларга Аллоҳдан иршод, муаззинлар билмай намоз вақтини бироз олдинга ёки ортга суриб қўйган бўлсалар Аллоҳ уларни мағфират қилишини сўраб дуо қилдилар.